



TADBIRKORLAR VA  
ISHBILARMONLAR  
HARAKATI —  
O`ZBEKISTON  
LIBERAL-DEMOKRATIK  
PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan  
chiqa boshlagan

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2015-yil 21-may, payshanba, 21 (601)-son

e-mail: xxi\_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

## Хусусий мулк дахлсиз, мулкдор ҳуқуқи кафолатланган

Жорий йилнинг апрель-май ойларида Президентимизнинг мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши, хусусий мулк ва хусусий тadbirkorлик ривожини йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини стратегик асосланган даражага қадар қисқартириш ва рақобат муҳитини таъминлашга қаратилган тарихий ҳужжатлари қабул қилинди

Таъкидлаш жоизки, «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлиқни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон мамлакатимизда хусусий тadbirkorлиқнинг иқтисодиётдаги роли ва мавқеини тубдан ошириш, унинг ялли ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш учун зарур шароит яратиш борасидаги тизимли ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Мустақиллик йилларида Бош Қомусимизга хусусий мулк ва унинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди, улар нафақат хусусий мулкчиликка асосланган ҳўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш, балки мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини ташкил этди.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «...ҳаёт бир жойда турмайди», «Демократия — бу, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, бизнинг йўлимиздир». Модомики, биз шу йўлдан оғишмай илгари бораверамиз. Шундай экан, қонунчилик ҳам мамлакатда амалга ошириладиган кенг миқёсдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохот ва ўзгаришларни амалда ўзини тўла оқлаган «ўзбек модели»га мувофиқ равишда давом эттириш, давлат ва жамиятнинг барқарорлиги ва тараққиёт суръатларини таъминлаш, турмуш сифатини ошириш сингари вазифаларни амалиётга татбиқ этиш билан ҳамоҳанг такомиллаштирилмоқда.

Жумладан, 2012-2014 йиллар мобайнида хусусий мулк мавқеини мустаҳкамлаш, унинг дахлсизлигини таъминлаш, бизнес юритиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тadbirkorлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги тахрирда)», «Тadbirkorлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Оилавий тadbirkorлик тўғрисида»ги каби ўнлаб қонунлар қабул қилинганлигининг ўзи бу борадаги ишларнинг нақадар кўламли эканидан далолатдир.

## Фармон моҳиятининг фракциядаги муҳокамаси



О`зLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлиқни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлашда фракция олдида турган вазифалар муҳокама этилди

Унда фракция аъзолари фаол қатнашиб, мазкур фармоннинг бугунги кундаги аҳамиятига тўхталдилар. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар бир давлатда хусусий мулк ва у билан боғлиқ бўлган муносабатлар иқтисодиётни ривожлантириш ва мамлакатнинг тараққиёти этишида асосий омиллардан ҳисобланишини алоҳида таъкидладилар.

# МАМЛАКАТДА ДУВ-ДУВ ГАП

ЮРТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИГА ШУКРОНА МУЖАССАМ БУ ГАПЛАРДА. УЛАРНИНГ БАРЧАСИ ЯХШИЛИК ВА ЭЗГУЛИК, БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ ВА САОДАТИ, ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ МАҲСУЛИ ҲАҚИДА. ЧИНДАН ҲАМ БУГУН ЁШУ ҚАРИ ПОЙТАХТДА БАРПО ЭТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ КўПРИК-МАЖМУАНИНГ ГўЗАЙЛИГИЮ ҚУЛАЙЛИГИНИ ТўЛқинланиб таърифламоқда. ЭНГ ЧЕККА ХУДУДЛАРИМИЗДА ҲАМ ЯНГИ МАЖМУА ҲАҚИДА ДУВ-ДУВ ГАП. ГўЗАЛЛИКНИ КўРИШ — КўЗГА САВОБ, НАҚЛИГА АМАЛ ҚИЛГАНЛАР ТОШКЕНТГА ОШИҚМОҚДА. СИЗ ҲАМ УШБУ СУРАТГА ЯХШИЛАБ РАЗМ СОЛИНГ. НАҚАДАР ТАРОВАТЛИ. ШУНЧАЛАР ОБОД. МЕЪМОРИГА ТАСАННО



## Экспортчиларимиз Бразилияга етишди

Самарқандда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2014 йилги натижалари ҳамда 2015 йилга белгиланган вазифаларнинг ижросига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди

Таъкидланганидек, агросаноат тизимини амалга ошириладиган ислохотлар самараси ўлароқ, ишлаб чиқаришда юқори ўсиш суръатларига эришилмоқда. Агар 2009 йилда етиштирилган ялли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари қиймати 1,7 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 4,4 трлн. сўмга етди. Фан ютуқлари ва илгор тажрибаларни кенг қўллаш ҳисобига асосий экин турлари бўйича юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Чунончи, ғалла тайёрлаш 2009 йилга нисбатан 1,1 баробар, ҳар гектар суви ер ҳисобига 11,2 центнер, даромадлар эса 2,6 баробарга кўпайган.

Вилоятда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш суръатлари ҳам ўсиб

бормоқда. Дейлик, 2007 йилда сабзавотнинг 22,3, меванин 24,4, узумнинг 18,8 фоизи саноат асосида қайта ишланган бўлса, ўтган йил ушбу соҳадаги кўрсаткичлар 1,5-2 баробарга ошганлиги эътиборга молиқдир.

— Юртимиз қуёши тафтида пишиб етилган сархил, тотли ноз-неъматлар хорижлик харидорларда катта қи

қиқиш уйғотмоқда, — дейди вилоят ҳўқими ўринбосари А.Норкулов. — Хусусан, 2007 йилда 16 та давлатга маҳсулот экспорти амалга оширилган бўлса, 2014 йилга келиб бу миқдор 27 тага етди. Улар орасида Бразилия ва Мексика сингари давлатлар ҳам бор. Етиштирилган маҳсулотларни сақлашда илгор технологияларга амал қилинмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида 38 та музхона қуриш кўзда тутилган. Уларнинг 32 таси мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда барпо этилади. Вилоятимизда чорвачилик ривожига жиддий эътибор қаратилмоқда. Белгиланган дастурга мувофиқ, ҳозиргача хориждан 800 бош насли моллар харид қилинди.

Паррандачилик вилоятда етакчи тармоқлардан бири саналади. Айни пайтда ушбу соҳага ихтисослаштирилган 39 та йирик корхонада бир кеча-кундузда 1,8 миллион дона тухум ишлаб чиқарилмоқда. Бу киши бошига 6 дондан тўғри келади, дегани. Эҳтиёждан ортиқча тухум ва парҳез гўшт қўшни вилоятларга етказиб берилмаётир.

Яна бир муҳим далил. Жорий йилнинг ўзида 1968 гектар майдонда интенсив боғ барпо этилди. Шу ҳисобдан жами боғ-роғлар 7968 гектарга етказилди. Энг асосийи, мевабоп қўчалар маҳаллий шароитда тайёрланмоқда ва парвариланмоқда. «Мароканд интенсив Гренад» агрофирмаси бу борада боғбонларга яқиндан ёрдамлашаётир.

### БУГУНГИ СОНДА:

ИСЛОХОТ  
ОДИМЛАРИ  
Ҳўқим  
ҳисоботини  
эшитишнинг  
ҳуқуқий  
механизми



ЭЛЕКТОРАТ  
Воҳанин  
ишбилармон  
аёллари



ҚУЙИ  
БЎҒИНЛАРДА  
Партияимизнинг  
кучи —  
электоратга  
яқинлигида



ҲАЁТ  
ҲАҚИҚАТЛАРИ  
Интернетга  
тобе бўлиб  
қолманг!



## Битирувчи ёшларга иш ўринлари яратиш

Бунда банк-молия муассасалари ҳамда сиёсий партияларнинг ҳамкорлиги қандай бўлиши керак? Тошкент давлат иқтисодиёт университетида О`зLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва Марказий банк томонидан ўтказилган илмий-амалий семинарда ана шу саволнинг жавоблари хусусида сўз юритилди

# МУНОСАБАТ

## ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗ, МУЛКДОР ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНГАН



**Содиқжон ТУРДИЕВ,** О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Қонунчиликни ривожлантириб бориш натижасида истиқлол йилларида мулкчилик тўзилишида туб ўзгаришлар рўй берди, кўпукладли иқтисодиёт, унинг таркибида хусусий мулк устувор аҳамият касб этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида нафақат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, айна вақтда бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирди, одамларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошиб боришининг асосий манбаи, аҳоли бандлиги ўсишининг энг муҳим омилга айланди.

Бугун мавжуд ҳўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этаётгани қувонарли ҳолдир. Хусусий секторнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 2000 йлданги 31 фоиздан 56 фоизга етганлиги, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилаётганлиги ҳам мазкур секторнинг иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини оширишда улкан аҳамиятга эгалигидан дарак беради.

Президентимизнинг юқорида тилга олинган фармонига мувофиқ, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Унда соҳага оид қонунчиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани, хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини янада ошириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобига эркин меҳнат фаолиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар ўз ифодасини топанлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жумладан, тадбиркорлик субъектлари солиқ ва боғхона қонунчилигини бузганлиги муносабати билан уларнинг мулкни мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътироз бўлган тақдирда, қўшимча ҳисобланган боғхона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга ошириладиган бўлди. Ҳўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқиш учун қабул қилиш ва ишни суд муҳоамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача қисқартirilганлигини тадбиркорларимиз мамнуният билан эътироф этмоқдалар.

Мутахассисларнинг фикрича, фармонда назарда тутилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режалар тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилиши, молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режалар текширувлар ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошмаслиги, тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режалар текширишлар фақат сўнгги текширувдан кейинги даврни қамраб олиши ҳамда қўзғатилган жиноий ишлар муносабати билан ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳўжалик юритувчи субъект жалб этган адвокатлар иштирокида амалга оширилишининг белгилаб қўйилиши юртимизда қўлай бизнес муҳитини янада ривожлантиришга хизмат қилиши муқаррар.

Фармонда тадбиркорлик фаолиятига тўқсинлик қилгани ва қонунчи аралашгани учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кўчатириш бўйича

аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган. Эндиликда бундай мансабдор шахслар ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича текширув ва тафтиш ўтказиш тартибини, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузганлик, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ва (ёки) уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича амалиётларни ноқонуний тўхтатиб қўйганлик, тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бинолар ва боғша иншоотларни шу мулкнинг бозор қийматини қопламасдан бузиб ташлаганлик, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларидаги мавжуд пул маблағлари тўғрисида ахборотни асоссиз равишда талаб қилганлик, ҳўжалик юритувчи субъектларни хайрия ишлари ва пул маблағлари ажратиш билан боғлиқ боғша тадбирларга мажбурий жалб қилганлик учун маъмурий жавобгар бўладилар. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилиш ва асоссиз равишда талаб қилганлик, ҳўжалик юритувчи субъектларни қўп маротаба бузган мансабдор шахсларга нисбатан эса жиноий жавобгарлик қоралари ҳам қўлланилиши белгиланмоқда.

Фармонга асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси талаблари тўдан қайта кўриб чиқилмайдиган бўлди. Зеро, биргина шу янгилик орқали солиқлар ёки боғша мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятни илк маротаба содир этган тадбиркорга нисбатан давлатга етказган зарарини 30 кун давомида тўлиқ қоплаган, пеня ва боғша молиявий жарима турларини тўлаган тақдирда жиноят иши қўзғатилмаслиги ва жавобгарликдан озод этилиши орқали кўплаб ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ёпилиб кетиши олди олинди.

Жиноят кодексига ҳўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахслари томонидан сохта банкротлик ва банкротликни яшириш орқали етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган тақдирда уларга нисбатан озодлиқдан маҳрум этиш шаклидаги жазо қўлланилмаслигини назарда тутувчи қўшимчалар киритиш ҳам белгиланган. Қолаверса, тегишли савдо ва воситачилик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш назарда тутилмоқда. Катта миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келадиган ҳуқуқбузарликлар бундан мустасно, албатта.

Бир сўз билан айтганда, фармон асосида қонунчилигимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кўчатириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тизимини соддалаштиришга хизмат қилади.

Бу эса, ўз навбатида, О'zLiDeP фракцияси аъзолари олдида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодекслари, шунингдек, боғша қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назоратини тартибга солишга оид қонун ҳужжатларини фармон талабларига мослаштириш каби масалалар юзасидан ташаббускор бўлиш, электрорат вакилларига қонунчиликдаги ушбу янгиликларнинг аҳамиятини кенг тушунтириб бериш ва тартиб этиш сингари вазифаларни юқлайди.

Ана бир муҳим вазифа — бу барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилаш билан боғлиқдир.

Кези келганда ўрта синф вакилларини фаолиятини эркинлаштириш, улар учун қўшимча имтиёзлар яратиш бора-сида юртимизда амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирларни алоҳида

таъкидлаш жоиз. Хусусан, кейинги йилларда ягона солиқ ставкаси 2,5 баробар камайтирилиб, 15,2 фоиздан 6 фоизга (саноатда эса 5 фоизга) туширилди. Тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш, рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 19 таси қисқартирилди. 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб статистик ва солиқ ҳисоботларидан 71 таси бекор қилиниб, уларни топириш даврийлиги икки баробарга камайтирилди. 2015 йилдан бошлаб иш ҳақидан ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўлов кичик корхона ва микрофирмалар учун 25 фоиздан 15 фоизга туширилди.

Фармонда бу соҳадаги ишларни янада жадаллаштиришга қаратилган, хусусан, республика товар-хом ашё биржасининг махсус ахборот портали воситасида ўтказиладиган электрон савдолар орқали тадбиркорлик субъектларининг давлат харидларини амалга ошириш тартибини соддалаштириш, бугунги кунда турли идоралар қошида фаолият юритаётган, алоҳида давлат хизматлари кўрсатаётган «бир дарча» хизматлари ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизда «бир дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказлари ташкил этилиши каби қатор чора-тадбирлар ҳам белгилаб берилган.

Мухтасар айтганда, фармонда белгиланган барча чора-тадбирлар ягона мақсад — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, юртимизда тинчлик ва барқарорлик таъминлашидан энг кўп манфаатдор бўлган мулкдорлар синфини рағбатлантириш, пировардида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилади.

Юртбошимиз О'zLiDePнинг VII Съезидига маърузасида иқтисодиётда давлат иштирокини танқидий таҳлил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт тармоқларида хусусий сектор иштирокини сезиларли даражада кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун янада қўлай шарт-шароит яратиш, бизнес муҳитини яхшилаш, хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича ҳам қатор вазифаларни белгилаб берган эди.

Бу борада яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори алоҳида ўрин тутди. Ушбу қарор, шубҳасиз, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, корпоратив бошқарувни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлади.

Маълумки, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини реал инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин, соҳага йўналтириладиган сармоялар пировардида юрт ва миллат манфаатларига йўналтирилганлиги билан муҳимдир. Ана шулардан биринчиси — инвестицияни тўғридан-тўғри жалб этиш.

Зотан мамлакат иқтисодий салоҳиятини белгилайдиган нефть-газ, химия, фармацевтика, озиқ-овқат, энгил ва электротехника саноати, автосаноат тизими, бир қатор вазирликлар, молия институтлари ва маҳаллий ҳокимликлар тасарруфида бўлган 68 та давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг улуши стратегик хорижий инвесторларга сотилиши кўзда тутилмоқдаки, бундан тушадиган маблағлар янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

Қарорда иқтисодиётга аралаш, яъни хорижий ва маҳаллий инвестици-

яларни жалб этишга қаратилган вазифалар ҳам белгилаб берилган. Хусусан, йирик акциядорлик жамиятлари, уюшмалар, вазирликлар ҳамда худудлар бўйича яна 343 та корхона, ҳўжалик жамиятларида ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш, техник жиҳозлаш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида ошқорасавдоларда хусусий мулк эгаллиги шарт билан ҳўжалик бошқаруви органларининг давлат активлари ва улушлари, энг аввало, хорижий инвесторларга сотилиши белгиланган. Сотувга қўйилган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари улушларини баҳолаш учун халқаро баҳоловчи ташкилотлар ҳам кенг жалб этилади. Шунингдек, паст рентабелли ва фаолият кўрсатмаётган 257 ташкилотга нисбатан ҳам тугатиш ёки банкротлик тартиби қўлланилиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг 227 таси бевосита давлат унитар корхоналаридир.

Қарорда иқтисодиётнинг барча тармоқларига ички хусусий инвесторларни жалб этиш, энг аввало, саноат ва унинг етакчи тармоқларида хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу партияимиз олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Давлат мулки саналган 512 та объектни инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарт билан «ноль» қийматида танлов асосида, 324 та давлат мулкни эса ошқорасавдоларда тўлиқ хусусий мулк сифатида сотилиши пировардида юртимиз ва халқимиз манфаатларига хизмат қилиши шак-шубҳасиз.

Яна бир эътиборли жиҳати, юқорида қайд этилган давлат объектларида 2013 йил 1 январдан тузилган ижара шартномаси асосида қиритилган инвестициялар бажарилган инвестиция мажбуриятлари сифатида ҳисобга олинди. Қолаверса, амалдаги тартиб-қоидаларга ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилиб, уларга асосан ошқорасавдоларда давлат активларини сотиб олишга оид талабномани кутиш муддати опти ойдан икки ойга, дастлаб қўйилган нархни пасайтириб бориш муддати 30 кундан 15 кунга қисқартирилганиги, давлат кўчмас мулк объектлари олдингидек уч ойда эмас, балки бир ой мобайнида ошқорасавдоларда сотилима қолган тақдирда тегишли тартибда тасарруфи белгиланган. Бу эса тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча имконият, амалий ёрдам ва катта энгилликдир.

Қўринидаки, олдимизда турган вазифалар гоятда муҳим ва кўп қирралидир. Уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, энг аввало, хусусий сектор вакиллари онгига етказиш, партиянинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари сиёсий фаоллигини ошириш, белгиланган режа-топириқлар ижроси устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини изчил йўлга қўйиш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бинобарин, юқорида тилга олинган фармон ва қарор ижроси бўйича масъул вазирлик ва қўмиталар томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тадбиркорларга зарур ахборот ва маълумотлар бериб бориш, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, тегишли қонун ва қонуноний ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан парламент назоратини ўрнатиш ҳамиса диққат марказимизда бўлиши лозим.

О'zLiDePнинг Сайловолди платформасида белгилаб қўйилганидек, мулк — бу эркинликнинг энг муҳим кафолати, инсоннинг боғша барча ҳуқуқлари манбаи, фуқаролар ҳимояланганлигининг асоси. Сиёсий, ижтимоий, маданий эркинлигини иқтисодий эркинликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис партия ўзининг кундалик ва парламент фаолиятида хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳақидаги конституциявий тамойилни ҳимоя қилади. Иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш ва либераллаштириш, хусусий мулк ҳуқуқини мустаҳкамлаш, уш ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш учун ҳаракат қилади. Президентимиз яқинда имзолаган ҳужжатлар эса бу борадаги ишларимизни жадаллаштиришда муҳим дастуриламалдир.

## Фармон моҳиятининг фракциядаги муҳоамаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼



**Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси: — Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида «...ҳеч кимга сир эмас, иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини таъминламасдан туриб, яъни ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилмасдан, технологик ва техник нуқтани назардан янгиламасдан туриб, биз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни жаҳон бозори, эртага эса ички бозоримиз ҳам қабул қилмайди», дея мамлакатимизнинг тараққий толган демократик давлатлар қаторига кўтарилишининг асосий шартларидан бирига ишора қилган эдилар.

Мазкур фармон ушбу йўлда қўйилган навбатдаги муҳим қадам бўлди, десак асло мулоҳага бўлмайди. Ушбу тарихий ҳужжат, айниқса, О'zLiDeP ва унинг электорат тақдирда беқиёс аҳамият касб этмоқда. Зеро, партия Сайловолди дастури орқали давлатнинг назорат органлари корхоналар, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувдан воз кечиши керак, деган гоъни илгари суриб келаётёр. Мазкур ҳужжатнинг муҳим янгиликларидан бири — бу ҳар гал электорат билан бўлиб ўтадиган учрашу ва амалий мулоқотларда кўтариладиган, яъни яқна тартибдаги тадбиркорларга ишчи ёллаш масаласи ҳуқуқий жиҳатдан ўз ечимини топти. Хусусан, жорий йил 1 июлдан эътиборан яқна тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жағмарамасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди суғурта бадали ва белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдориди солиқ тўлаш шарт билан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилаётёр. Бундан ташқари, яқна тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жалб қилган ҳолда коллежини битиргандан бошлаб уш икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади. Энг муҳими, фармон ижросини таъминлашда парламент иштироки янада яққолроқ намоён бўлаётёр. Яъни, кўпгина қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутиляпти. Бошқача айтганда, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаат ва ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали уларнинг давлоларини кўриб чиқиш муддатини қисқартириш, суд органлари роли ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклиф ҳамда лойиҳалар тайёрланмоқда.

Бунда партия электоратини ҳимоя қилишнинг янги механизмларини ҳаётга татбиқ этиш, қонунлар ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолияти кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиляётёр.



**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Таъкидланганидек, мамлакатимизда мулкдорлар қатлами ривожланиб бораётган экан, у билан боғлиқ ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни ҳам замон талабларига мослаштириш даркор. Бозор иқтисодиёти асосида ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, фақат эркин тадбиркоргина ҳақиқий мулк эгаси бўлиб, у ўз мулкидан самарали фойдаланиш орқали мамлакат иқтисодиётига иккибўй таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис юртимизда мулкнинг барча шакллари ривожланишига бир хил шарт-шароит яратиш беришга катта аҳамият қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, фармонда хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кўчатириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини изчил давом эттириш ҳамда барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштиришга ургу берилган. Унинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, партия Сайловолди дастурида белгиланганидек, тадбиркорнинг эркинлиги, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик мамлакатнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши асоси эканлиги ойдинлашади.



**Дилором ФАЙЗИЕВА,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Фармон моҳияти юзасидан фракция томонидан ўтказилган таҳлилда ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишни янада тартибга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлиги учун назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш, жумладан, жиноий жавобгарликни жорий этиш муҳим эканлиги таъкидланди. Чунки мулкдорга фойдасиз шартларни юқлаш, жумладан, улардан мол-мулкни, молиявий маблағларини топиришни талаб қилиш, унинг мол-мулкни қўлга қиритишга ёки хусусий мулкига бўлган ҳуқуқларидан воз кечишига мажбур қилиш қатъий тақиқланади. Айна пайтда олдимизда фармон доирасида фракция позициясини кенг жамоатчиликка, жумладан, асосий электоратимиз бўлган тадбиркор ва фермерларга етказиш масаласи турбиди. Бунинг учун эса жойларда сайловотлар ўртасида кенг тушунтириш-тарғибот ишларида О'zLiDeP депутатлик корпуси вакиллари фаол иштирок этиш талаб қилинади. Бу борада, айниқса, электоратга давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, аризачиларнинг хизмат кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи мансабдор шахслар билан бевосита алоқасини истисно қилиш мақсадида бугунги кунда турли идоралар қошида фаолият юритаётган, «бир дарча» хизматларининг ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизда «бир дарча» тамойили асосида тадбиркорларга давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказлари ташкил этилиши ҳусусида батафсил маълумот бериш муҳимдир.

Аксар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

## Битирувчи ёшларга иш ўринлари яратиш

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Шухрат РАҲИМОВ,** «XXI asr»

Тадбирда асосий эътибор Президентимиз Исло Каримовнинг сайловолди дастури, парламент палаталарни қўшма мажлисидаги маърузасида ёшларни иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига қаратилди. Хусусий секторни тараққий эттириш мақсадида молия муассасалари томонидан амалга оширилаётган амалий чора-тадбирлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, тадбиркорлик лойиҳаларини банклар орқали молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда кредитларни расмийлаштириш жараёнлари ҳусусида мулоқот иштирокчиларига батафсил маълумот берилди.

Алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташлим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, 2010-2014 йилларда тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 423,2 млрд. сўм миқдориди кредит маблағлари ажратилган бўлса, биргина 2014 йилнинг ўзиди бу кўрсаткич 200,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Айна шу йўналишда О'zLiDeP ва етакчи тижорат банклари ҳамкорлиги-



О'zLiDePнинг Сайловолди дастури, парламент палаталарни қўшма мажлисидаги маърузасида ёшларни иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига қаратилди. Хусусий секторни тараққий эттириш мақсадида молия муассасалари томонидан амалга оширилаётган амалий чора-тадбирлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, тадбиркорлик лойиҳаларини банклар орқали молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда кредитларни расмийлаштириш жараёнлари ҳусусида мулоқот иштирокчиларига батафсил маълумот берилди.

— Навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш, истиқболли таклифларини ўз вақтида рағбатлантиришга катта эътибор қаратяпмиз, — дейди О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Бегмат Очилов. — Хусусан, анъанавий тарзда ўтказиб келинган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига бўлган қизиқишини кўчатириш, битирувчиларни ишга жойлаштиришга қўмаклашиш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш, шунингдек, партия электротатини ишбилармон ёшлар ҳисобига кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. 2009-2014 йиллар мобайнида мазкур лойиҳада 10 минг нафардан зиёд битирувчи қатнашди. Бугунги кунгача лойиҳанинг 4 минг нафар иштирокчиси тижорат банкларидан 17 миллиард сўм миқдориди имтиёзли кредит ол-

ган ҳолда бизнес билан шуғулланмоқда. Аҳамиятлиси, улар томонидан 10 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. — Бундай семинарлар ёшларга кенг имкониятлар яратмоқда, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети 4-босқич талабаси Нурсултон Назиров. — Тадбиркорликка лаёқатли бор, бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган ёшлар тажрибали мутахассислар билан мулоқотда киришиб, ўз билимларини бойитгани айна мудаодир. Семинарда Марказий банк ва тижорат банклари мутахассислари томонидан кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида кредит олиш учун зарур ҳужжатларни



# ЭЛЕКТОРАТ

ЭЛЕКТОРАТ

**О`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ташаббуси билан пойтахтимизда ўтказилган навбатдаги давра суҳбати «Туризмни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни» мавзуга бағишланди**



## ТУРИЗМ ВА ТАДБИРКОРЛИК

**Шухрат РАХИМОВ,**  
«XXI asr»

Турли мулоҳазаларга бой бўлган мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О`zLiDeP фракцияси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги партия депутатлик ғуруҳи аъзолари, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Хунарманд» уюшмаси, Юнусобод туманида фаолият юритаётган сайёҳлик ташкилотлари, суғурта агентликлари

мутасаддилари иштирок этдилар. Хусусий сектор вакиллари томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига оид кўргазмалар уюштирилгани тадбир қатнашчиларининг алоҳида эътиборини тортди.

Анжуманда эътироф этилганидек, Ўзбекистонда туризмнинг рақобатбардошлигини оширишда катта имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқиб, истиқлол йилларида бу борада кенг қўлмлли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юртимиз сайёҳлик тизимини ривожлантириш, соҳани бошқаришни такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида 1992 йилда Президент фармонида асосан «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил этилгани, «Туризм тўғрисида»ги қонун ва бошқа ўнлаб соҳага оид ҳужжатларнинг қабул қилиниши тармоқ тараққиётида муҳим омил бўлди.

Мазкур ҳужжатларда туристик ташкилотлар ва сайёҳларнинг

ҳавфсизлигини таъминлаш, суғурта, хизмат кўрсатиш ва сервисни жаҳон талаблари даражасида йўлга қўйиш борасидаги вазифалар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар акс эттирилган бўлиб, мамлакатимиз сайёҳлик тизимини ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган йил қузида Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўтказилиши ва унда Президентимиз Испом Каримовнинг иштирок этиши мамлакатимизда туризмни ривожлантириш жараёни янги босқичга қадам қўйганидан далолатдир.

Ана шу нуфузли анжуманда халқаро экспертлар томонидан яқин ўн йил давомида туризмнинг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўрта ҳисобда 6,2 фоизга ошиб бориши кутилаётганлиги эълон қилинган, мазкур кўрсаткич бўйича республикамиз дунёда кучли бешликдан жой олгани эътиборга моликдир.

— Тошкент шаҳрида ту-

ризмни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиб, чет элдан келаётган сайёҳларни пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини замон талаблари даражасида шакллانган кичик бизнес субъектлари хизматидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш асосий мақсадимиздир, — дейди О`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раис ўринбосари, «G`uncha MED» хусусий тиббий диагностика маркази раҳбари Раъно Ҳожи-муҳаммедова.

Давра суҳбатиде қатнашган соҳа мутахассислари, бевосита шу тизимда бизнес юритаётган партия электорати вакиллари сайёҳликни янада тараққий эттиришда хусусий тадбиркорликнинг ўрни, салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, сайёҳларни миллий анъана ва қадриятларимиз билан таништиришнинг аҳамияти, туризмга оид хизматлар экспорти, тизим самарадорлигини ошириш билан боғлиқ янгиликлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

### Ҳоким битирувчилар ҳузурида

**Фаргона вилояти ҳокими Шухрат Ганиев Қувасой шаҳридаги касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳузурида бўлиб, ёшларни қафолатли иш ўринлари билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритди. Таъкидлаш керакки, бу йил шахардаги 4 та касб-хунар коллежини 1039 нафар талаба битиради. Уларнинг 102 нафари тадбиркорлик йўналиши бўйича кредит олиш истагини билдирган. 285 нафари олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш ҳаракатида бўлса, 1003 нафарининг иш жойи аниқ. Вилоят ҳокими ана шу битирувчиларни иш билан таъминлаш учун бириктирилган масъул ташкилот, қорхона, муассаса раҳбарларининг вазифалари нималардан иборатлигини битирувчилар ва уларнинг ота-оналарига эслатиб ўтди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бор битирувчилар учун вилоят ҳокимлиги домд ёрдамга тайёрлигини таъкидлади.**

**— Бугунги учрашув биз учун катта аҳамиятга эга бўлди, — дейди Иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежи битирувчиси Абдулҳафиз Немамжонов. — Тадбир давомида бизнес режа-тузиш, кредит олиш бўйича банк, солиқ идоралари вакиллари билан маълумотлар олдик. Коллежини таъминлаганимдан сўнг қандолатчилик йўналишида фаолият бошлаб, 5 нафар тенгқуримга янги иш ўрни яратмоқчимиз.**

Ахборот МҲСУМОҲОВ.



## Ижтимоий шериклик — ютуқлар омили

**О`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази ҳамда Термиз шаҳар кенгаши ҳамкорлигида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди**

**Мухриддин НУРМАНОВ,**  
«XXI asr»

Партия фаоллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлими ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда мазкур қонун мамлакатимизда ижтимоий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, давлат органларининг ННТлар ва

фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

— Ушбу қонун ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, фуқаролар манфаатларига дахлдор бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда давлат органлари билан алоқаларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди, — деди давра суҳбати

давомида О`zLiDeP вилоят бўлими раиси Н. Усмонов, «Аёл ва замон» ННТ масъул ходими З.Бобоқуллова ва бошқалар Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» бу борадаги ишларни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар.

Тадбирда сўзга чиққан «Камолот» ёшлар ижтимо-

ий ҳаракати Термиз шаҳар бўлими раиси Н. Усмонов, «Аёл ва замон» ННТ масъул ходими З.Бобоқуллова ва бошқалар Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» бу борадаги ишларни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар.

## «... 500 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди»

**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви «Оила институтини мустаҳкамлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг устувор вазифалари» мавзuida матбуот анжумани ўтказди**

**Рисолат МАДИЕВА,**  
«XXI asr»

Унда мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганига эътибор қаратилди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида жамғарманинг ҳудудий тузилма-

лари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича 75 мингга яқин тарғибот тадбири ташкил этилиб, унга 4 млн. нафардан ортиқ аҳоли жалб этилгани таъкидланди.

— «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури доирасида «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари, «Саховат» ва «Мурувват» уйла-

ридаги 700 нафарга яқин фуқаро, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга уй-рўзгор буюмлари ва кийим-кечаклар тарқатилди, — деди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди респу-

блика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Долли Аллаев. — Шунингдек, 62 нафар ногирон ва ота-онасиз талабанинг ўқув-шартнома пулларини тўлашда амалий, фуқаролардан келиб туш-

ган мурожаатлар асосида 3 мингдан ортиқ фуқарога жами 500 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Анжуманда жамғарманинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари олдида турган устувор вазифалар, жамоатчилик тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ОАВ вакилларида батафсил маълумот берилди.

### Диплом билан — МЧЖга

**Поп туман ҳокимлиги, прокуратураси, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида иштирок этган 42 та муассаса томонидан аҳолига салкам 700 та бўш иш ўрни тақдим этилди.**

— Бизга мурожаат қилган 386 нафар фуқаронинг 80 фоизига муқим ишлаш учун йўлланмалар берилди, — дейди мазкур марказ директори Нарзулло Қодиров. — Ярмаркада, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ўз мутахассислиги бўйича қорхона ва ташкилотларда амалиёт ўташи, кейинчалик ўша жойга ишга жойлашиши юзасидан 100 дан ортиқ уч томонлама шартнома имзоланди.

— Бу йил Поп маиший хизмат касб-хунар коллежини битираман, — дейди Зарнигор Йўлдошева. — Ўзаро имзоланган шартномага мувофиқ, қўлимга дипломини олишим билан уйимиз яқинидаги тадбиркорлик субъекти — «Садош текстил» МЧЖда тикувчилик қила бошлайман.

## Воҳанинг ишбилармон аёллари

**Бугунги кунда икки мингга яқин қашқадарёлик ишбилармон аёл турли жабҳаларда самарали меҳнат қилиб, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Аини пайтда воҳадаги партия аъзоларининг 4313 нафарини хотин-қизлар ташкил этаётгани, уларнинг 196 нафари БПТлар етакчилари экани ҳам бежиз эмас**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**  
«XXI asr»

О`zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан ўтган йили опа-сингилларимиз амалга оширилаётган ислохотларнинг доимий иштирокчиларига айланиши мақсадида ташкил этилган 156 та тадбирда 10 минг нафардан ортиқ хотин-қиз иштирок этди. Бундай мулоқотларда касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам яхши самара бераётир. Биргина «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасининг ўтган йилги вилоят босқичида қолибқолган қўлга киритган 12 нафар хотин-қиз 650 млн. 250 минг сўм миқдорда имтиёзли кредит олди. Яна 10 нафарига тижорат банкларидан 342 млн. 800 минг сўм миқдорда кредит олишда ёрдам берилди. Натижада икки юзга яқин янги иш ўрни яратилди.

Мазкур лойиҳанинг ўтказилиши оилавий тадбиркорликни бошлаётган аёлларга ўз фаолиятини самарали ташкил этиш, маблағни мақсадли ишлатиш, оила аъзоларининг бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда тажриба мактабини ўтаяти. Масалан, деҳқонobodлик Шахло Тоғаева 10 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олган ҳолда ўқув маркази ташкил этиб, қизларга бичиш-тиқиш сирларини ўргатишни йўлга қўйди. Зебо Худоерова эса гузаллик салони очди. Миришкорлик Меҳринисо Турсунпўлатова, Шахноза Алиева ва Ситора Рустамова тикувчилик, қандолатчилик цехларини ташкил этдилар. Китоб туманидаги «Инобат Хусановна» деҳқон хўжалиги раҳбари, партия фаоли Инобат Ёқубова банкдан 39 млн. сўм кредит олиб, хонадонда лимон етиштиришни йўлга қўйди.

— Дарҳақиқат, истиқлол туфайли хотин-қизларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури ўзгариб, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда, — дейди О`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими бошлиғи Гулбаҳор Тўраева. — Зеро, жойларда ташкил этилаётган тадбирларда уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш, тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари тўғрисида тушунчалар бериш, амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан таништиришга ёрдам берилляпти. Ташкил этилаётган мулоқотларга тадбиркорлик фаолияти билан ном қозонган, ташаббускор ва ташкилотчи аёллар таклиф этиляпти.

Лойиҳа иштирокчиларидан бири, Ғузор туманидаги «Наврўз» маҳалласида истиқомат қилаётган Инобат Раҳимқуллова 39 млн. сўм кредит олди. Мазкур маблағнинг 19 миллион сўмига тикув машиналари, 20 млн. сўмига эса хом ашё харид қилиб, тикувчилик қорхонаси ташкил этди. Аини пайтда бу ерда 6 нафар қиз хунар ўрганиб, маҳсулот тайёрляпти. Банкдан шунча миқдорда молиявий кўмак олган ғузорлик Феруза Бердиева 5 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

Қамашилик Шахло Зокирова, Ғўзал Ҳасанова ва Ҳафиза Остонова лойиҳадаги иштирокидан сўнг аҳолига маиший хизмат ва савдо хизмати кўрсатишни йўлга қўйдилар. Китоблик фермер Раъно Аралова 22 млн. сўм кредит олиб, фермер хўжалиги қошида чорвачиликни ривожлантираётган бўлса, Моҳира Аллаёрова ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 49 млн. сўм молиявий кўмак олди.

Шу ўринда бўлим томонидан Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Савдо-саноат бошқармаси, Фермерлар кенгаши ва тижорат банклари бўлимлари ҳамкорлигида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-мафқуравий, маънавий-маърифий соҳалар бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ва ўқув-семинарлари ташкил этилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш борасида қатор амалий тақлифлар ишлаб чиқилди. Лойиҳа доирасида 500 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган хотин-қизларнинг тиббий кўриги ташкил этилди.

— Кейинги вақтдаги муваффақиятларда тадбиркор хотин-қизлар улуши ортиб бораётгани бежиз эмас, — дейди Г.Тўраева. — Бинобарин, бугун аёлларимиз оилада фарзандлар тарбияси билан машғул бўлиб қолмасдан, иқтисодиётимизни юксалтириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жамиятда хотин-қизларнинг мақомини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашиш бундан кейин ҳам партиянинг устувор вазифалари бўлиб қолаверад.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

«XXI ASR» 21 (601)-son, e-mail: xxi\_asr@mail.ru

## ПАРТИЯМИЗНИНГ КУЧИ — ЭЛЕКТОРАТГА ЯҚИНЛИГИДА

Бир йилдан зиёдроқ вақт мобайнида, хусусан, Тошкент вилоятининг ўзида O`zLiDeP аъзолари 11 мингдан 35 минг нафарга кўпайди. Бунинг боиси нимада?

Беҳзод ИСРОИЛОВ,  
«XXI asr»

Ижобий ўзгаришларга туртки берган омиллар хусусида сўз борганда, аввало, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар пухта ўйланган-лиги, уларни ҳудудий ва маҳаллий кенгашлар, қуйи бўғинлар изчил амалга ошираётганини тилга олиш даркор. Муҳими, бу муваффақият хотиржамликка берилиш учун асос бўлаётгани йўқ. Зеро, ютуқларга маҳлиё бўлиб, олдиндаги янги марраларни, вазифаларни унутиш, беғамлик кайфиятига берилиш — орқага кетиш демак.

Бинобарин, партиямиз электротат ичига чуқурроқ кириб бориш, тарафдорларимиз, хайрихоҳларимизнинг ижтимоий таркибини ўрганиш, уларнинг истак-интилишларини аниқлаш, одамларни ўйлантираётган муаммолардан ўз вақтида хабардор бўлиш ва улар ечимини топиш учун навбатдаги кенг кўламли акцияни ўтказишга киришди. Хусусан, партия Тошкент вилояти кенгаши ва унинг таркибига кирувчи 18 та туман ва шаҳар кенгаши ходимлари ҳам кўплаб ташкилот, корхона ва муассасаларга ташриф буюраётдилар. Ўтган қарийб бир ой ичида вилоятдаги фаоллар 400

дан ортиқ ташкилот мутасаддилари, меҳнат жамоаси аъзолари билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, партия дастурий мақсадлари, салоҳияти ва имкониятлари, туб ислохотлар амалга оширилишида сиёсий кучнинг аҳамияти тўғрисида суҳбатлашдилар. Шу билан бирга O`zLiDeP ҳақидаги мулоҳазалар билан қизиқиб, баъзи ечимини кутаётган масалаларни партиявий воситалар орқали ҳал қилиш юзасидан фикр алмашдилар.

Чунончи, партия Қўбрай туман ташкилоти масъуллари «Обод», «Янгийўл», «Қумқўрғон» маҳаллаларида, Тошкент давлат аграр университети, Байтқўрғон маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи, «Лимончилик» жамоа хўжалиги, «Ўқтам» фермер хўжалигида турли ёш ва касб эгалари билан учрашишди.

— Мулоқотлар чоғида юртошларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий савияси юксалганига яна бир қарра амин бўлдик, — дейди партия туман бўлими БПТлар билан ишлаш консультанти Мархабо Худойберганова. — Суҳбатдошларимизнинг аксарияти ривожланган демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини сиёсий шайловларсиз қўриб бўлмаслигини аллақачон англаб етган. Эътиборлиси, уларнинг кўпчилиги партиямиз ташаббуслари, лойиҳалари, илгари сураётган ғоялари билан у ёки



бу даражада таниш. Айниқса, ёшлар мамлакатимизнинг ёрқин келажакни тадбиркор ва фермерларсиз тасаввур эта олмасликларини маълум қилишаяпти. Шунингдек, одамлар партиямиз фаолияти ҳақида талай илиқ фикрлар билдириш билан бирга, баъзи танқидий гапларни ҳам айтишди. Масалан, партиямиздан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари ва бошланғич ташкилотларнинг айримлари талаб даражасида фаоллик кўрсатмаётган. Эътиборлиси, уларнинг кўпчилиги партиямиз ташаббуслари, лойиҳалари, илгари сураётган ғоялари билан у ёки

гаплашишга, талай масалаларда уларнинг нуқтаи назарини биллишга астойдил қизиқишаяпти. Биз шу сингари камчилик-нуқсонларни, айна пайтда билдирилаётган мурожаат, таклиф ва тавсияларни алоҳида қайд этиб бораёلمиз. Албатта, булардан тегишли хулосалар чиқарамиз, партия ҳудудий ташкилоти, халқ депутатлари туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан ҳамкорликда нуқсонларни бартараф этамиз.

O`zLiDeP Қўбрай туман кенгаши раиси Ғайрат Мираҳмедовнинг айтишича, мазкур тадбир

давомида фуқаролар фаоллар эътиборини жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ҳам қаратаёптилар. Тадбиркор ва фермерлар дуч келаётган айрим қийинчиликлар, йўлларнинг аҳоли, транспорт қатнови ва коммунал соҳага доир масалалар шулар жумласидандир. Ёзма ва оғзаки шаклдаги мурожаатлар тўпланиб, ҳар ҳафтада партия юқори органига тақдим этилаётир. Улар умумлаштирилиб, ҳал этиш чоралари қўрилмоқда. Бундай ишлар, шубҳасиз, аҳолида партиямизга нисбатан ишончини янада мустаҳкамлайди, сафимиз эса бундан-да кенгайди.

ПАРТИЯНИНГ ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИМИ КЕНГАШИ РАИСИ:

— ПАРТИЯНИНГ ТУМАН (ШАҲАР)

БЎЛИМИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ, КЕНГАШИ

ВА ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

ҚАРОРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ

ТАШКИЛ ЭТАДИ, ШУ МАҚСАДДА

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРАДИ ВА

МУВОФИҚЛАШТИРАДИ;

— БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

РАИСИ ВА УНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ

САЙЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ

ТАСДИҚЛАЙДИ;

— БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ

ТАШКИЛОТИНИНГ ПАРТИЯГА АЪЗОЛИККА

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ

ҚАРОРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ;

— ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ,

АЪЗОЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, АЪЗОЛИКНИ

ТЎХТАТИБ ТУРИШ, АЪЗОЛИКДАН

ЧИҚАРИШ ТАДБИРЛАРИНИ БЕВОСИТА

АМАЛГА ОШИРАДИ;

— ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

КЕНГАШИ, ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИМИ

КОНФЕРЕНЦИЯСИ ВА КЕНГАШИ

ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН БОШҚА

ВАКОЛАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ.

O`zLiDeP Уставидан.

### ЎАНИҚ САВОЛГА АНИҚ ЖАВОБ!

— Мамлакатимизда фаолият юритаётган иккита сиёсий партиянинг мақсад ва вазифалари, илгари сураётган ғоялари сиёсий қарашларимга яқин. Шу боис ҳар иккала партияга аъзо бўлмоқчиман. Бунинг имкони борми?

— Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни 4-моддасида белгиланганидек, мамлакатимиз фуқароси бир пайтнинг ўзида фақат битта сиёсий партияга аъзо бўлиши мумкин.

### Янги БПТ тузилди



депутатларимиз ҳамда БПТлар томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ўрганилиши ва ҳал қилиниши кўплаб жамоаларда, тадбиркорлик субъектларида янги-янги таянч тузилмалар ташкил этилишига туртки бераётир. Бугунга келиб тумандаги қуйи бўғинларимиз сони 59 тага, партия аъзолари эса 1160 нафарга етди.

Муҳаббат РАВШАНОВА.

### «Барно таманнобегим» ташаббуси

Риштон тумани, «Даҳбед» МФЙ ҳудудида жойлашган мазкур оилавий корхонанинг партиямизга аъзо бўлган 8 нафар ходими бирлашиб, БПТ тузишган. Яқинда маслақдошлар ташаббуси билан «Оилавий корхонанинг қулайликлари ва афзалликлари» мавзuida давра суҳбати уюштирилди. Унда партия туман кенгаши ходимлари, соҳа мутахассислари ҳамда маҳаллада яшовчи 30 нафардан зиёд фуқаро қатнашди. — Иштирокчиларга тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамизни қандай ташкил этганимиз, яратилган шарт-шароит, меҳнат ва пенсия дафтарчалари очиш, ягона солиқ тўловчи сифатидаги имтиёзлар тўғрисида тушунчалар бердик, — дейди қуйи бўғин етакчиси, оилавий корхона раҳбари Барнохон Фахриддинова.

Таклиф этилган мутахассислар оилавий корхоналарнинг ҳуқуқий асослари, хусусий иш юритиш қўлиималари, бу йўналишдаги тадбиркорликнинг ҳали йўлга қўйилмаган турларини юриш қилиш, кредит олиш билан боғлиқ масалалар хусусида атрофлича маълумот бериб, йўл-йўриқлар кўрсатдилар. Сўзга чиққанларнинг бугунги кунда бошловчи тадбиркорлар томонидан йўл қўйилаётган хато-камчиликлар, уларнинг олдини олиш борасидаги фикрлари, оилавий корхоналар соҳиблари мурожаатлари асосида тайёрланган таҳлилий хулосалари ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

### «Қонун лойиҳаларининг матни эълон қилинса...»



ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида: «...қонунлар лойиҳалари, айниқса, аҳолининг ҳаётини муҳим манфаатлари, ижтимоий ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасига жамоатчиликини, фуқаролик институтлари вакиллари ҳам кенг жалб этиш лозим», дея таъкидлаганди.

Зуфар КАРИМБОВЕВ.

Нукус шаҳридаги «Ривож-Юлдуз» МЧЖ директори, БПТ раиси.

O`zLiDeP Қарши туман кенгаши томонидан «Диний экстремизм ва терроризм таҳдиди: хушёрлик ва огоҳликни кучайтириш давр талаби» мавзусида учрашув ташкил этилди. Маҳаллий кенгашлар депутатлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, меҳнат ва уруш фахрийлари, талаба-ёшлар иштирок этган тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари Нарзулла Темиров, O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Орзикул Шеров, Қарши шаҳар кенгаши депутати Санжар Эргашев, меҳнат фахрийси Ислон Боймуродов ва бошқалар сўзга чиқишди

## Ғояга қарши ғоя

Сайфулла ИКРОМОВ,  
«XXI asr»

Маҳаллий кенгаш депутатлари Дилшод Турсунов ва Илҳом Раҳмонов «Ёшлар онгини «оммавий маданият» таъсиридан ҳимоя қилиш — уларни маънан баркамол этиб тарбиялаш омили» мавзuida маърузалар ўқишди.

Ҳар қандай экстремистик ва террористик фаолиятнинг моҳияти ўзгаларга зўравонлик қилиш, жисмоний куч ишлатиш орқали ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишдан иборат. Шунинг учун бу иллатлар жаҳондаги прогрессив кучлар томонидан қораланмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан баҳсга киришиш, курашиш мумкин». Озод Ватанимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг моҳияти, мамлакатимизнинг халқро майдонда нуфузи юксалиб бораётгани, истиқлол давридаги яратувчилик ва бунёдкорлик жараёни, ёшларимизнинг одам савдоси, гиёҳвандлик, диний экстремизм каби иллатлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун огоҳлик ва хушёрликни янада

кучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

— Инсон хотирасиз яшай олмайди, — дейди фалсафа фанлари номзоди, партия фаоли Тоҳир Қурбонов. — Хотира ўзликини англатади, ўтганларни ёдга солиб туради. Қадр эса инсонни улуғлайди, жамиятнинг эзгулик билан безайди. Президентимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига оммавий аҳборот воситалари вакиллари-

га берган интервьюсида БМТ кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда тадқиқот ўтказилгани ва унинг натижалари матбуотда эълон қилинганини алоҳида қайд этдилар. Ана шу тадқиқотга кўра, Ўзбекистонимиз мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, МДҲ давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади. Бу

эса биз эришган улкан марралар, иқтисодийтимиз барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, одамларнинг ҳаёт даражаси ошиб бораётганини дунё ҳамжамияти яна бир бор тан олганининг исботидир.

Икки авлод дийдорлашувиде ёшлар томонидан намойиш этилган «Адашган тақдирлар» деб номланган сахна асари барчада катта таассурот қолдирди. Тадбир сўнггида бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари О`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши ташаккурномалари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

— Ҳар тонг мусавффо осмон, чарақлаган куёшни кўриб, яна бир бор ёруғ ва бахтли кунга етакзагани учун шукроналар айтаман, — дейди меҳнат фахрийси Самад Назаров. — Аллоҳнинг назари тушган табаррук заминимизда рўй бераётган улғувор ўзгаришларни кўриб, қалбим қувончга тўлади. Озод юртимизда эртанги кунга ишонч билан яшаётган, иродаси мустаҳкам, иймони бут, меҳнаткаш халқимизни бало-қазолардан ўзи асрасин, деб дуо қиламан. Бизни йўқлаб, тадбир ташкил этган, совға-саломлар улашганларга миннатдорчилик билдираман.

Дилора ЭСОНОВА.

# ЖАРАЁН

Айни кунда Самарқанд вилоятида 60 ёшдан ошган 224 минг нафар нуроний умргузаронлик қилиб келаётган бўлса, уларнинг 6200 минг нафарини 1941-1945 йиллардаги урушда қатнашган ҳамда фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ташкил этади. 137 нафар самарқандлик тояхону онахонлар эса юз ёшли довонни забт этган.

# ЮЗДАН ОШГАНЛАР ЮЗДАН ЗИЁД

**Муҳаббат РАВШАНОВА**, «XXI asr»

— Шаҳар ва қишлоқла-римизда яшовчи уруш ва меҳнат фахрийларига до-имо алоҳида эҳтиром кўр-сатилади, — дейди «Нуро-ний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Ҳасан Нор-муродов. — Масалан, ўтган йили маҳаллалардаги бир гуруҳ фахрий учун ҳудудда-ги диққатга сазовор саноат корхоналарига саёҳатлар ташкил этилди. Хусусан, «Isuzu» автобуслари ва юк машиналари ишлаб чиқариладиган завод, Са-марқанд туманидаги шар-батлар ишлаб чиқарилади-ган «Агромир» корхонаси, шунингдек, шаҳар атрофи-да барпо этилган интенсив боғларни бориб кўрдилар. Кексаларни эъзозлаш

Юртбошимиз фармони-

йили муносабати билан эъ-лон қилинган фармон ва қарорларга мувофиқ, 150 нафардан ортиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийси ўзлари истаган санаторий-ларда доволаниш имкони-ярга эга бўлди. 300 нафар нуроний Самарқанд ва Бу-хоро шаҳарларини зиёрат қилди. Йил охиригача бун-дай саёҳатчилар сони етти мингдан ошиши кутилмоқда. Вилоятда умргузарон-лик қилаётган 1072 нафар фахрийга «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги» юбилей медал-лари тантанали равишда топширилди. Ўз навбатида, уруш қатнашчиларига пул мукофотлари ҳамда ҳоким-лик, корхона ва ташкилот-ларнинг совгалари тақдим этилди.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида тармоқда 991,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 125,5 фоиз ўсишга эришилди

## Озиқ-овқат саноати салоҳияти юксалмоқда

**Рисолат МАДИЕВА**, «XXI asr»

Миллий матбуот марказида Озиқ-овқат саноати корхоналари ушумаси томонидан ташкил этилган анжу-манда ана шу рақамлар тилга олинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, мустақил-ликнинг дастлабки йил-лариданоқ озиқ-овқат хавфсизлиги масалала-ри иқтисодий исплоҳот-ларнинг устувор йўна-лишларидан бирига айлангани, аҳоли жон бошига нисбатан асо-сий озиқ-овқат турлари — ун, гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавот миқдори изчил оширилганини таъкидладилар.

— 2015 йилда кор-хоналаримизнинг ўз маблаглари, банк кре-дитлари ва хорижий сар-

мояларни жалб қилиш ҳисобига 55,45 миллион доллар миқдорида инве-стиция ўзлаштириш бел-гиланган, — деди уюш-ма эксперти Фахриддин Калонов. — Иқтисодиёт вазирилиги, Қорақалпоғи-стон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши, вило-ятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 389,8 мил-лиард сўмлик маблаг ҳисобига 983 та инве-стиция лойиҳаси ижроси амалга оширилиб, 10575 та янги иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган. Умуман олганда, жами 657 та лойиҳа амалга оширилади. Йилнинг биринчи чорагида белги-ланган 108 та ўрнига 141 та лойиҳа бажарилиб, 50,59 миллиард сўм ма-благ ўзлаштирилди.

Анжуманда, шунин-гдек, жорий йилда рақо-

га мувофиқ, 100 ёшга тўл-ган ва ундан ошган нуроний онахон-отахонларимизга жорий йилнинг 1 майдан бошлаб уларнинг нафақа-сига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида уста-ма тўлаш белгилангани ҳам табарруқ ёшдаги кек-саларимизни янада хушнуд

этди. — Бугунги бахтли ҳаёт тушмиизга ҳам кирмаган, — дейди Жомбой тумани «Кўкғумбаз» маҳалласида яшаётган 104 ёшли Сангул Маҳмудова. — Авжи ёшлик давримиздаги куч-ғайрат-ни урушнинг киргинларию, оғир меҳнат юкани енгишга сарфлашга мажбур бўлган-миз. Ўзим асли Ургутнинг Камонгорон қишлоғидан-ман. Уруш йилларида пах-та етиштириш мақсадида оиламизни Жомбой тума-нига кўчириб келишган. Шу ерда тинмай меҳнат қилиб, фронтга қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб бе-риш билан машғул бўлдик. Уша вақтда биз тер тўккан заминда бугун фарзандла-римиз мулкдор сифатида фаолият юритмоқда. Жум-ладан, ўғлим Жўраҳон Маҳ-



да бўлиб ўтган сайловда ана шундай ҳаёт кечири-шимизга сабабчи бўлган Ислом Каримовга элимиз яқдил туриб овоз бергани-ни эшитиб, кўзларим қувон-чан ёшланди. Тан олиш керак: шўро даврида инсон қадри деган тушунча йўқ бўлиб кетганди. Энди эса кексаларнинг ўзига бу қад-дар эҳтиром кўрсатилиши бугун ва эртанги куннинг са-одати учун қўйилган замин-дир, десак адашмаймиз.

### «Ўзбекэнерго» мутасаддилари мухбирларга ахборот берди

**«Энергия заҳираларидан самарали фойдаланиш, инвестиция лойиҳаларини жалб қилиш, жаҳон тажрибасини амалиётда қўллаш ва тўлов тизимини такомиллаштириш масалалари» мавзусида «Ўзбекэнерго» акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган матбуот анжумани мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр қувватидан самарали фойдаланиш, тўловлар тизимини такомиллаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда амалга оширилаётган лойиҳалар ижросига бағишланди. Тадбирда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ компания 26 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришган. Жорий йилда саккизта янги объект ишга туширилади. Тошкент, Талимаржон, Навоий ва Ташкенттош иссиқлик электр станцияларига буғ-газ қурilmалари ўрнатилмоқда.**

— Мавжуд тармоқларнинг барқарор ишлашини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмаётёр, — деди «Ўзбекэнерго» АК раиси ўринбосари Р.Раимов. — Айни пайтда узунлиги 218 километр бўлган «Талимаржон ИЭС – Сўғдийёна ПС» ва 130 километрлик «Сирдарё ИЭС – Янги Ангрен ИЭС» юқори вольтли линиялари барпо этилмоқда. Матбуот анжуманида қайта тикланмадиган энергия манбаларини жорий этиш ва тармоқни диверсификация қилишни кенгайтириш истиқболлари хусусида ҳам ахборот берилди. Жумладан, Самарқанд вилоятида куёш фотолектр станцияси қурилиши бошлангани, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ҳам шундай станциялар барпо этиш режалаштирилаётгани айтиб ўтилди. Электр энергиясидан оқилона ва самарали фойдаланиш, тўловлар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида жойларда электр энергияси сарфини аниқ ҳисоблайдиган замонавий электрон ҳисоблагичлар босқичма-босқич ўрнатилаётганига алоҳида ургу берилди.

Фахриддин НУРАЛИЕВ.

## Беш йилда — олтмиш

Пойтахтимизда «Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси томонидан узумчиликни ривожлантириш, қайта ишлаш корхоналарининг хом ашё базаси ҳамда кооперацион алоқаларни мустаҳкамлаш, тармоқ рақобатбардошлигини юксалтириш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди

Тадбирда 2006-2014 йилларда компания таркибидаги корхоналар-нинг ўз маблаглари ва банк кре-дитлари ҳисобига қурилиш, қайта таъмирлаш ва модернизациялаш бўйича 180 дан ортиқ лойиҳа амал-га оширилиб, 334 млрд. сўмдан зиёд ҳажмдаги инвестициялар жалб этилгани натижасида бир қатор кор-хоналар энг замонавий техноло-гик ускуналар билан жиҳозлангани алоҳида таъкидланди.

Тошкент ва Жиззах вилоятла-рида консерва, Элликқаша тумана-лида чанқовбосди ичимликлар ва шарбатлар, Қўқон ва Нукусда сут ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, Зоминда мева-са-бзавот сқлаш тизимлари, Андижон вилоятида иссиқхона ҳўжаликлари ишга туширилгани шулар жумласи-дандир.

— Президентимизнинг «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модерниз-

ция ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар-нинг дастури тўғрисида»ги фармо-нига асосан тизимда 2019 йилгача 250 миллиард сўмлик олтимшидан зиёд инвестиция лойиҳасини амал-га ошириш кўзда тутилган, — деди анжуманда компаниянинг модер-низация ва илгор технологияларни татбиқ этиш бошқармаси бошлиғи Адолат Вострикова. — Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз озиқ-овқат базасини мустаҳкамлаш ба-робарида юзлаб янги иш ўринлари яратилишини таъминлайди.

Тадбирда «Ўзвиносаноатхол-динг» компанияси тизимидаги кўп тармоқли фермер ҳўжаликларида етиштирилган мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш, сқлаш, қи-шлоқда саноатни ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишга оид вазифалар хусусида журна-листларга батафсил ахборот берил-ди.

## Зиммамизга катта масъулият юкланган Тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг суяк-суягига сингиб кетган ноёб фазилат сифатида эътироф этиб келинади. Шу боис ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларда Президентимизнинг илк фармонлари айни ушбу йўналишни ривожлантиришга қаратилди

**Хайрулла АБДУЛҲАҚОВ**, «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси бўлим бошлиғи

Сир эмас, юртимизда айни кун-да ҳам маҳсулот сифатини таъмин-лаш орқали ички ва ташқи бозорга рақобатбардош товарлар чиқариш биринчи галдаги вазифа бўлиб ту-рибди. Ушбу вазифани уддалаш эса кўп жиҳатдан «Ўзстандарт» агент-лиги ва унинг тармоқ ташкилотлари зиммасига катта масъулият юкла-моқда.

Шу ўринда ишлаб чиқарувчилар-га янада қулай шароит яратиш, сер-тификатлаштиришга сарф этиладиган вақт ва маблагни тежаш, хизмат кўрсатишда сансалорликнинг олдини олиш мақсадида «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси ва ҳудудий марказ-лар қўшдаги сертификатлаштириш идораларининг бирлаштириш ва ак-кредитация доираларини кенгайти-риш бўйича босқичма-босқич ишлар

амалга оширилаётганини айтиб ўтиш лозим. Ўтган йилдан бошлаб эса тад-биркорларга қўшимча қулайликлар яратиш, ортиқча оворагарчиликлар-нинг олдини олиш мақсадида сер-тификатлаштириш учун аризаларни электрон шаклда қабул қилиш тизими йўлга қўйилди. Мурожаат эгаси ре-спублика ёки ҳудудий синов ва сер-тифкаатлаштириш марказларининг веб-сайтига кирган ҳолда тегишли шаклларни тўлдириб, ўз аризасини сертификатлаштириш идораларига юборди. Ўз навбатида, сертифи-катлаштириш идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларидан келиб тушаётган мурожаатлар ижросини ўз вақтида таъминлаш, «бир ойна» тамойилида хизмат кўрсатишни наво-рат қилиб бориш учун махсус дастур татбиқ этилди. Тадбиркор учун ҳам, марказ учун ҳам бунинг афзаллиқ томони шундаки, сертификатлашти-риш учун келиб тушган барча муро-жаатлар он-лайн режимда дастурга киритилади ва ижроси назоратга қўй-илади.

#### ➤ РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Рақобатбардошлик — бош мезон

Ҳар қандай ишлаб чиқарувчи сифатли ҳамда замон талабига жавоб берадиган маҳсулотсиз нафақат ташқи, балки ички бозорда ҳам ўз ўрнини топа олмаслиги тайин. Бозор иқтисодиётининг қатъий талаби ана шундай

**Бахтиёр РАСУЛОВ**, Навоий Синов ва сертификатлаштириш маркази Давлат корхонаси бўлим бошлиғи

Шу боис мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ «Сертификат-лаштириш тўғрисида», «Стан-дартлаштириш тўғрисида», «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғри-сида»ги қонунлар қабул қи-линди. Импорт ўрнини босу-чи, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувват-лаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида халқаро стандарт талаблари асосида Сифат ме-нежменти тизими (СМТ) жорий этилди. Натижада нисбатан қисқа даврда қўллаб корхона-ларда ишлаб чиқариш суръ-ати ва самарадорлиги ошди. Сифатли ва рақобатдош маҳ-сулот ишлаб чиқаришда катта компаниялар билан бемалол рақобатлаша оладиган корхо-налар шакллана бошлади.

Бундан ташқари, Вазир-лар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июлдаги «Корхоналарда

халқаро стандартларга муво-фиқ бўлган сифатни бошқа-риш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ СМТ жорий этилган корхоналарга фойда, қўшимча қиймат солиғи ва божхона тўловлари билан бо-лиқ имтиёзлар яратиб берил-ди. БевоСИта давлатимиз раҳ-бари ташаббус билан ташкил этилган Кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорлик субъектла-ри экспортини қўллаб-қувват-лаш жамғармаси маблағлари

сертификатлаштириш мар-кази давлат корхоналарнинг интернетдаги сайтларига ISO 9001 халқаро стандарти тала-бларига мувофиқ келадиган мажбурий ҳужжатлар наму-налари киритилди. Ундан ҳар бир ишбилармон бемалол фойдаланиши мумкин. Бундай қулайлик Навоий Синов ва сертификатлаштириш маркази ҳам мавжуд бўлиб, ундан маҳаллий ишлаб чиқариш кор-хоналари самарали фойдала-нишяпти.

**ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНАДА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ ҲАМДА ЖОЙЛАРДАГИ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНТЕРНЕТДАГИ САЙТЛАРИГА ISO 9001 ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ КЕЛАДИГАН МАЖБУРИЙ ҲУЖАТЛАР НАМУНАЛАРИ КИРИТИЛДИ. УНДАН ҲАР БИР ИШБИЛАРМОН БЕМАЛОЛ ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН.**

ҳисобидан жойларда сифат менежменти тизимини моли-ялаштириш имконияти яра-тилгани эса мавжуд тузилма фаолиятини янада жонлан-тирди. Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсади-да «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда жойлардаги синов ва

Мухтасар айтганда, СМТ-нинг жорий этилиши туфайли корхоналарда экспорт салоҳи-ятини ошириш баробарида хом ашёни тежаш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш имконияти юзага келди.

Масалан, биргина Навоий

синов, қиёслаш ва калибрлаш ла-бораториялари ташкил этилмоқда. Ҳамкорлик доирасида Тошкент давлат техника университети, Тош-кент кимё-технология институти, Тошкент ирригация ва мелiorация институти, Тошкент давлат аграр университети, шунингдек, соҳага алоқадор касб-ҳунар коллежларини тугатган билимли, тажрибали, хори-жий тилларни биладиган ёш мута-хассислар ишга тақлиф этилмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда тадбир-корлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани учун импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳ-сулотлар сони ва салмоғи ортиб бормоқда. Буни нафақат биз, балки хорижий кузатувчилар, йирик иқти-содчилар ҳам таъкидлашмоқда. Ҳеч бир мулолағасиз айтиш мумкин, буларнинг замирида давлатимизда тадбиркорлар қўллаб-қувватла-наётгани, уларга қатор имтиёз ва имкониятлар яратиб берилаётгани мужассамдир.

вилоятининг ўзида 2004 йл-да атиги 4 та корхонада ISO халқаро стандартларига му-вофиқ сифатни бошқариш ти-зимини жорий этилган бўлса, бу-гунга келиб улар 40 тага етди. Шуларнинг 4 тасида ISO 9001, ОHSAS 18001 ва ISO 14001 халқаро стандартлар талабла-рига мувофиқ интеграллашган сифат тизими, 2 тасида озик-овқат маҳсулотлари хавфсиз-лигининг менежмент тизими — ISO 22000 ва қолган 34 та-сида ISO 9001 тизими жорий этилган.

Сифатни бошқариш бўй-ича республика махсус ишчи гуруҳининг 2014 йил 23 дека-брдаги ййигилиш қарори асо-сида вилоятимиздаги яна бир неча корхонада СМТни жорий этиш белгиланган бўлиб, унга кўра жорий йилда 36 та субъ-ект янги усулда фаолият кўр-сата бошлайди. Марказ ва бў-лимимиз мутахассисларининг ишлаб чиқарувчилар билан ўтказган учрашув, семинар ва амалий мулоқотлари натижа-сида бугунгача 34 та корхона билан шартнома имзоланиб, замонавий сифат тизимини жорий этишга киришилди.

## Жамғарма ўз вазифаларини уддаламоқда

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини ошириш, улар томонидан тайёрланган рақобатбардош маҳсулотларни хорижга чиқаришда молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди

**Шахзод НАЗАРОВ**, «XXI asr»

Мазкур ҳужжатга му-вофиқ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча вилоят-ларда ҳудудий филиал-лари бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспор-тини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этил-ди. Жамғарманинг Қашқа-дарё вилоят филиали томонидан амалга оши-рилаётган ишлар ибратга лойиқ бўлмоқда.

— Биз, аввало, вило-ятимиздаги корхоналар томонидан ишлаб чиқа-рилган маҳсулотларни экспорт қилиш имко-

ниятларини аниқлаймиз, — дейди филиал раҳбари Бахтиёр Турсунов. — Сўнгра ушбу субъектлар база-сини шакллантираимиз. Шу мақ-садда жорий йилда қўшим-ча равишда 46 та корхона раҳбари номига жамғарма билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, ишлаб чиқарилаёт-ган маҳсулот ва хизматлар-ни намойиш этиш учун уч

хилдаги намунавий тижо-рат тақлифлари жўнатилди. Натижада 39 корхонадан мурожаатлар келиб тушди. Шулардан 17 тасига қарийб 7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилишда юридик, консулътатив ва молиявий ёрдам кўрсатилди. 94 на-фардан ортиқ тадбиркорга

мазкур жараён тўғрисида ба-тафсил маълумот берилди.

Хорижга чиқиш учун тад-биркор бозорни ўрганиш, ҳуж-жатларни расмийлаштириш ва бошқа ишларга муайян ма-благ сарфлайди. Шунинг учун ҳам божхона ишлари ва эк-спорт операцияларини амалга оширишда жамғарма томо-нидан кўрсатилаётган ёрдам ишбилармонларга жуда қўл келмоқда.

Ана шундай ҳамкорлик натижасида Ғузор туманида-ги «Жасмина Фрукт сервис» кўп тармоқли фермер ҳўжа-лиги томонидан 400 тонна қо-вунни хорижга сотиш бўйича қиймати 280 минг АҚШ дол-ларга тенг экспорт шартнома-си тузилди. Шунингдек, Касби туманидаги «Касби Тинч-

лик Плюс» МЧЖга экспорт-ни амалга ошириш бўйича амалдаги қонунчиликда кўр-сатилган меъёrlарга асосан ҳужжатлаштириш ишларида амалий ёрдам кўрсатилиб, 120 минг АҚШ доллари миқ-дорида шартнома имзолани-шга эришилди. Айни пайт-да Китоб туманидаги «Вигет Импекс» фермер ҳўжалиги-га гилос экспортини амалга ошириш учун 200 млн. сўмлик фоизсиз маблаг ахратилиши режалаштирилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда барча туман-лардаги тадбиркорлар томон-давра суҳбатлари ўткази-либ, жамғарма томонидан экспортни қўллаб-қувватлаш жараёни бўйича батафсил тушунтириш ишлари олиб бо-рилмоқда.

Мухтасар айтганда, шу йилнинг январь-апрель ойида вилоятдаги 17 та корхонага жами 6915.1 минг АҚШ дол-лари миқдоридаги маҳсулот-ни экспорт қилишда амалий ёрдам кўрсатилди.

# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

# Интернетга тобе бўлиб қолманг!

Айни кунда дунё аҳолисининг 40 фоиздан зиёди ўзининг кундалик ҳаёти ва иш-фаолиятини интернетсиз тасаввур қила олмайди. Мамлакатимизда ҳам сўнгги 8-10 йилда ушбу тармоқ хизматидан фойдаланувчилар сони қарийб ўн баробарга ошди. Хусусан, 2007 йилда Ўзбекистонда интернетдан бир миллион киши фойдаланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 10,2 миллион нафарга етган. Бу эса юртимиз аҳолисининг 32 фоизи демакдир. «Ўргимчак тўри» дея ном олган ушбу тармоқ ёшларнинг билим олиши, дунёқарашини кенгайтириши борасида қатор енгилликларни тақдим қилаётган бўлса-да, афсуски, кейинги вақтларда уларнинг онгида ёт, аниқроғи, бузғунчи ғоя ва тушунчаларнинг вужудга келишига замин яратиб бераяпти. Ана шундай таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида O'zLiDeP ва унинг ҳудудий ташкилотлари тегишли идоралар билан ҳамкорликда комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Фарзандларимизнинг интернетга тобе бўлиб қолмасликлари учун янги-янги лойиҳалар ишлаб чиқмоқда.

**Шухрат ХўЖАЕВ,**  
«XXI asr»

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасида Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Маънавият тарғибот, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари билан биргаликда ташкил этилган давра суҳбатида айнан ана шу масала хусусида сўз юритилди.

— Тадбир иштирокчилари, айниқса, ёшларда «Хавфсиз интернет» лойиҳаси нима учун айнан O'zLiDeP томонидан ишлаб чиқилди? деган савол туғилган бўлиши табиий, — деди партия Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

Бахтиёр Якубов. — Маълумки, O'zLiDeP ташкил этилганидан буён уч марта парламент, икки марта президентлик сайловида иштирок этиб, ғолиб чиқди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик ўринлари учун ўтказилган сўнгги сайловда эса барча ҳудудларда энг яхши натижаларни қайд этди. Бундай ютуқлар партия зиммасига тобора катта масъулият юкламоқда. Шунингдек, республикадаги етакчи сийёсий куч мавқеи талаблари ҳам ўта жиддий. Ана шулардан келиб чиқиб, партия томонидан 2015-2019 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатда мамлакатда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, фермерлиқни ривожлантириш баробарида баркамол ва соғлом авлодни шакллантириш масалаларини ҳал этиш ҳам белгилаб олинди.

Менталитетимизга мутлақо беғона бўлган ғояларнинг интернет орқали ёшлар онига таъсир ўтказиб, юртимиз осойишталигига таҳдид солиш хавфи борлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, бу муаммоларни зинҳор эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Бошқача айтганда, миллионлаб сайловчиларнинг ишончини қозонган партия мазкур масалаларни ҳал қилиш ўз бурчи ва вазифаси эканини ағлаган ҳолда ана шундай лойиҳаларни ишлаб чиқди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партиянинг Ёшлар билан ишлаш бўлими фаоллари, олий таълим муассасалари талабалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда интернет хавфсизлиги ва ёшларда интернет маданиятини шакллантириш миясида шундай мустаҳкам ўрнашганини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

— Бугун интернет аудито-

риясининг катта қисмини ёшлар ташкил этмоқда, — дейди ЎзДЖТУ талабаси Феруза Абдуғаффорова. — Бироқ жаҳон ахборот тармоғида яратилган имкониятларни инкор этмаган ҳолда, кучли мафжуравий таъсир

контентдан асраш, уларда интернет маданиятини шакллантириш, ҳаётга теган қарайдиган маънан етук, баркамол авлодни тарбиялаш, интернет тармоғидан хавфсиз фойдаланиш, шубҳали веб-сайтлардаги ёт

— Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида мусиқа тинглаш ва телевизор кўриш ёшларнинг сеvimли машғулотлари сирасига кирган бўлса, бугунга келиб компьютер ва интернет ёш авлод ҳаётидан аввалги қизиқи-

борганда, одам хоҳлаган модели сотиб олади. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори, деб тушуниш керак», деган таърифни берганди. Бинобарин, ўсиб келаётган авлодни шундай тарбиялаш керакки, улар ахборот маконидан фақат ўзи учун фойдали ахборотни олсин, интернет маданиятини ўргансин. Бунинг учун эса, аввало, оилада фарзандлар тарбиясига катта масъулият билан ёндашиш керак. Хусусан, ота-она уйда ёлғиз қолиб, интернетдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган фарзандини назоратга олиши зарур. Бундан ташқари, ўқув юртларида олиб борилаётган АКТга доир машғулотларга интернет маданияти бўйича мавзулар киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тадбир якунида O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими раҳбари Бегмат Очилов «Хавфсиз интернет» лойиҳасининг тақдимотини ўтказиб, мазкур лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида форумлар ташкил этиш, телевидениеда ёшлар иштирокида ток-шоулар тайёрлаш, партия веб-сайтида махсус онлайн мулоқотларни ўтказиш, ёшларда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, шунингдек, навқирон авлоднинг глобал тармоқ манбаларидан фойдаланиш даражасини ўрганишга қаратилган сўровномалар уюштириш юзасидан катта дастур ишлаб чиқилганини маълум қилди.



Уйда деярли икки соат интернет ишламай қолди. Оила аъзоларим билан дастурхон атрофида ўтиришга фурсат бўлди. Суҳбат чоғида билдимки... Бундай гаплар тез-тез кулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Минг афсуски, бугунги ахборот асрида компьютер уйинларига ёки интернетга муккасидан кетган инсонларнинг аксарияти виртуал оламга берилиш оқибатида ҳатто реал ҳаётдан узоқлашиб кетмоқдалар. Кўп ҳолларда ижтимоий тармоқлардаги беъмани ўйинлар одамларни ишдан чалғитиб, оилалар тинчлигини ҳам бузаяпти. Инсон соғлиғига путур етказаётир.

химоя қилиш билан бирга уларнинг манфаатларига мос ахборотларни кўпайтириш, барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самараси билан халқимиз, айниқса, ёшларни батафсил таништириб боришга хизмат қилмоқда. Бу, ўз на-вбатиде, ахборот бозори, яъни интернетда келтири-лаётган маълумотларнинг

пайтда ёшларнинг аксар қисми ўз вақтини интернет кафеларда ўйин ўйнаб ўтказмоқда. Даҳшатли манзараларни ўзида акс эттирган ўйинлар боланинг ҳали тўла шаклланиб улгурмаган миясида шундай мустаҳкам ўрнашганини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

Маълумотларга қараганда, Хитойнинг Цзян-

дан кўз юмганлар ҳақида ОАВ хабарлари ҳам кўпайиб бораётир. Бироқ булар компьютер ўйинларини янада машхурлаштириш, яъни улар учун текин реклама сифатида хизмат қил-ляпти, холос. Ушбу воқеага эътибор беринг: компьютер ўйинларига ҳаддан ташқари киришиб кетган 10 ёшли боланинг ота-онаси бунга

ўйлаб топилаётган ҳар қандай янгилик ўз ортидан мана шундай қутилмаган муаммоларни ҳам етаклаб келиши бор гап. Бошқача айтганда, коинотга чиқиш ниятида озондан «тешик» очган инсон ақли уни ямашга келганда ожизлигича қолмоқда. Хусусан, инсон мислсиз ихтиро, деб атомни кашф қилди-ю, ду-

виртуал мулоқотга кири-шиш учун албатта компью-тер олдида ўтириш шарт эди. Ҳозир эса вазият та-момила бошқача. Экранлар кичрайди. Ажабтовур им-кониятлар миттигина уяли телефонга жойлаштирил-ди. Биз ундан кўчада, уйда ва умуман истаган жойда фойдаланишимиз мумкин. Маълумотларга қараганда,

# ЭКРАНДАГИ ЭРМАК ЭПИДЕМИЯСИ

**Ақбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI asr»

Ижтимоий тармоқ де-ганимиз ёшлар орасида жуда оммалашди. Кўпчилик билмайдики, интернетнинг бундай кўриниши уларнинг ташкилотчилари учун катта даромад манбаидир. Чексиз ахборот уммонини пулга айлантириш иштиёқи бундай тармоқ эгаларининг жуда тез бойиб кетишига хизмат қилмоқда. Эътибор-лиси, бундай ахборот де-ярли текинга, одамларнинг ўзи томонидан ижтимоий тармоқларга юкланаётгани ҳам уни энг камхарж биз-несга айлантирди.

Масалан, интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг энг йириги ҳисобланган «Facebook»да 1 млрд. дан зиёд профил — фойда-ланувчиларнинг шахсий саҳифалари қайд этилган. Маълумотларга кўра, маз-кур компаниянинг 2014 йилдаги соф даромади 2,94 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2011 йилда 1 млрд. эди, холос. Умумий таҳлиллар ижтимоий тар-моқлардан фойдаланишга берилиб кетган миллион-лаб одамлар ўзларининг реал ҳаётдаги оилавий му-носабатлари, ўқиш ва иш жараёнидаги мажбуриятла-рига масъулиятсиз ёндаша-ётганларини кўрсатмоқда.

Жумладан, Gallup тадқиқот агентлиги маълумотларига қараганда, АҚШ ва Кана-дада ҳар учинчи оиланинг ажралишига айнан ижтимо-ий тармоқ сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолатни Европада ҳам кузатиш мумкин.

Дарҳақиқат, интернет тезкорлик ва тежамлили-к асосига қурилган. Бироқ ана шу қулайлик қутилма-ган «ноқулайликлар»ни келтириб чиқараётгани, айниқса, ёш авлод онги-га ёт ғояларни сингдириш учун хизмат қилаётганини тан олмаслик мумкин эмас. Шунга қарамайдан уни бу-тунлай қеқлаб бўлмайди.

ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган сўровлар ин-тернетдан фойдаланадиган бо-лаларнинг 90 фоизи ахлоқ-сиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 фоизи эса бу турдаги ахборотни мақ-садли равишда излаганини кўрсатди. Ҳатто юртимизда-ги баъзи ёшлар учун ҳам ин-тернет ва қўл телефонлари ахлоқсизлик манбаига айла-наётгани хунук ҳолатлардан биридир. Негаки, бундай ёт таъсир домига тушиб қол-ган ёшларнинг аксариятида яқинлари ва қариндошлари-га нисбатан ҳурмат туйғула-ри сусайиб, эгоизмга мой-иллик кучайиб бормоқда. Албатта, тармоқни тақиқлаш ёки ундан иллат излаш би-лан бирор натижага эришиб бўлмаслиги барчага бирдек

аён. Аксинча, ёшларимизда ахборот истеъмоли мада-ниятини шакллантириш ва изчил юксалтириш орқали-гина бундай таъсирларнинг олдини олиш энг тўғри йўл-дир. Кимда ахборот истеъ-моли маданияти шаклланган бўлса, ана шу шахс миллий қадриятларимизга зид ха-бар ва маълумотлар билан танишиш пайтида уларни ўз қарашларига таянган ҳолда муносиб баҳолай олади.

Гап юртимизда воя-га етаётган навқирон ав-лод тақдирини устида борар экан, яна бир ҳақиқатдан кўз юммаслик керак. Яъни бугуннинг ёшлари уяли те-лефонларнинг энг сўнгги русумдагисидан фойдала-нишга интилаётгани. Бунга уларнинг интернет хизмати-дан фойдаланишга қизиқи-ши бош сабаб қилиб кўрса-тилмоқда. Мазкур ҳолат бир қарашда унчалик кўрқинчли эмасдек кўриниши мумкин. Лекин уларнинг онги интер-нет орқали кириб келаётган ёт ғоя ва мафкуралардан химояланмаган. Масаланинг энг оғирлиги нуқтаси ҳам шу ерда аслида.

Шу маънода кейинги йилларда мамлакатимизда «ZiyoNET» электрон ахо-рот тармоғи ташкил этил-ган ва мавжуд таълим масканларининг аксарияти унга улангани интернетдан фойдаланувчиларни тур-ли ахборот хуружларидан

ранг-баранг ва кўплигидан бош қотаётган бир пайтда уларнинг қай бири тўғри-ю, қай бири нотўғри эканини ажратиб олишга ёрдам бе-ради.

Ҳа, чиндан ҳам ахо-рот-коммуникация техноло-гияларининг беқиёс дара-жада тараққий этиши барча муносабатларни тезлашти-риб юборди. Ушбу жараён ёшу қарни ўзига бирдек жалб қилмоқда. Кўча-қўйда, транспортда ўсмир ёшлар қўлидаги телефон, план-шетда қабжи замонавий воси-талар орқали ўйин ўйнаб, видеоларни томоша қилиб кетаётгани янгилик бўлмай қолди. Бу ҳолат кўриш ги-гиенаси талабларига мутлақо зид эканлигини кўпчилик билади, лекин амал қил-майди.

Маълумки, транспорт воситаси доимо чайқала-ди. Фойдаланувчи қўлида-ги ҳар қандай восита ҳам титраб туриши аниқ. Бу эса кўз гавҳари шаклининг узлуқсиз ўзгариб туриши-га сабаб бўлади ва кўзни толиқтириб, хиралашиши-га олиб келади. Тўғри, илк салбий аломатлар ўзини тезда намоён этмайди. Би-роқ вақт ўтгани сайин бола-нинг кўриш қобилияти па-сайиб, овқатланиш тартиби ва уйқунинг бузилиши, бош ва бел оғриғи безовта қили-ши тиббиётда аниқланган. Бундан ҳам ёмони айна

су провинцияси Нантонг шаҳрида Ван исмли ўсмир компьютер ўйинларига ишқибозликдан қутулиш учун қўлини кесиб ташла-ган. Жарроҳларнинг тезкор ёрдами туфайли Ваннинг қўли «қайтарилди». У ўз қилмишини изоҳларкан, компьютерда ўйин ўйна-шдан воз кечмоқчи бўл-ганини айтган. Шифокор-ларнинг сўзларига кўра, тикилган қўл нормал ра-вишда ишлаш-ишламасли-ги ҳали номаълум. Демак, одамларнинг компьютер ўйинларига тобе бўлиб қо-лиши, уларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига

чек қўйиш учун уни ком-пьютердан четлаштиради. Шундан кейин ўсмир «Мен Азерот қаҳрамонларининг олдига кетмоқдаман» де-ган хат қолдириб, ўз жо-нига қасд қилган. Бундай пайтларда фақат ўйин ўй-лаб толувчиларни айблаш хато. Аслида ҳар бир ўйин замирида салбий жиҳат-лар билан бирга кишига ижобий кайфият юктиру-чи жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Демак, меъёрни билиб, виртуал оламни реал ҳаёт-нинг бир қисми сифатида қабул қилиш керак. Шунинг учун психологлар компью-тер ўйинлари ва интернет

нёни порохли хум устига ўтқазди-қўйди. Аммо шунга қарамай инсоният тарақи-ёт сари одимлашда давом этмоқда. Машхур файла-суф Вольтер таъкидлага-нидек, «Шамол баъзан ке-мани чўктириб юборсада, лекин усиз сузиб бўлмай-ди. Бу дунёда ҳамма нар-са хавфли ва аини дамда муҳимдир».

Тан олиш жоиз: XXI аср ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида катта янгилик ва ихтиро-ларга асос солди. Уларнинг ҳар бири инсон идрокнинг маҳсули сифатида жами-ят ҳаётига чуқур сингиб,

**ИНСОНИАТ ТОМОНИДАН ЎЙЛАБ ТОПИЛАЁТГАН ҲАР ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК ЎЗ ОРТИДАН МАНА ШУНДАЙ КУТИЛМАГАН МУАММОЛАРНИ ҲАМ ЕТАКЛАБ КЕЛИШИ БОР ГАП. БОШҚАЧА АЙТГАНДА, КОИНОТГА ЧИҚИШ НИЯТИДА ОЗОНДАН «ТЕШИК» ОЧГАН ИНСОН АҚЛИ УНИ ЯМАШГА КЕЛГАНДА ОЖИЗЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА. ХУСУСАН, ИНСОН МИСЛСИЗ ИХТИРО, ДЕБ АТОМНИ КАШФ ҚИЛДИ-Ю, ДУНЁНИ ПОРОХЛИ ХУМ УСТИГА ЎТҚАЗДИ-ҚҲЙДИ.**

жиддий зиён етказади. Ўй-инпарастларнинг тахминан ярмида жиддий психологик муаммолар қузатилгани ҳам фикримиз далилидир. Таҳлилчилар баъзи ўй-инлар одамларни ўлимга ундаётганини қайд эт-моқдалар. Шу тарзда ҳаёт-

тармоғига боғлиқлик спорт машғулотлари, кўча сай-ри, кинофильм томошаси, китоб ўқиш, дўстлар билан учрашиш каби хордиқ ша-клларидан бири бўлиши керак, деб қайта-қайта таъ-кидлашапти. Инсоният томонидан

башарият тақдирини у ёки бу томонга ўзгартиришда муҳим омил бўлаётир. Ўт-ган асрнинг ўрталарида кашф этилган мобиль индустрия ҳам кейинги ўн йилда бошқа соҳаларга нисбатан илгарилаб кетди. Бундан ўн йил муқаддам биров билан

# СЎНГГИ САҲИФА

## Шерзод — энг яхши китобхон

Қуролли кучларимизда амалга оширилаётган ишловотлар изчиллиги таъминланаётгани, ўз навбатида, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига эришишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқинда Шарқий ҳарбий округ миқёсида ўтказилган «Энг яхши китобхон» кўрик-танловда Фарғона шахрида хизмат қилаётган оддий аскар Шерзод Бобоқонов биринчи ўринни эгаллади. Кўрик-танлов ғолиблари округ кўмондонлигининг faxрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан таъдирланди.

Шерзод хизмат қилаётган ҳарбий қисм кутубхонасида қарийб 6 мингдан ортиқ китоб фонди бор. Бу ерда ўтказилаётган тадбирларнинг аксарияти ҳарбийларга юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини асраш, экстремизм ва фундаментализмнинг асл моҳиятини тушунтириш орқали мафкуравий таъдидларнинг олдини олишга қаратилган. Жумладан, «Ўзбек ўғлонлари», «Гийҳандлик — аср вабоси», «Энг яхши китобхон», «Мустанкилик — олий нёъмат» каби кўрик-танловларда аскарлар фаол иштирок этишмоқда. Бундай тадбирлар ҳарбийларнинг китобга бўлган меҳрини ошириб, маънавий дунёқарашини бойитишга хизмат қилмоқда.

Халқ шоирлари Иқбол Мирзо, Анвар Обиджон, истеъдодли ёзувчи Исажон Султон каби ижодкорлар билан уюштирилган учрашувлар аскарлар ёдига узоқ сақланиши табиий.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

## ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

Аму-Бухоро машина канали Қизилтепа бошқармаси насос станциясида қарийб чорак аср давомида сидқидилдан меҳнат қилган Теша Алиев бир гектардан ортиқ ташландиқ майдонда бог яратган инсон сифатида ном қозongan. Бундан ташқари, унинг ўз вақтида олма, ўрик, беҳи, жийда ва тут дарахтлари ораларида сабзавот етиштириб, ҳамкасбларини қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминлаганига нима дейсиз?

— Теша аканинг турли йилларда станцияда ишлаган фарзандларини ҳам ҳамма танийди, — дейди бошқарма бошлиғи Ашур Жумаев. — Богга бош-қош бўлиш вазифаси айни пайтда ўғли Анваржонга юклатилган.

Пиру бадавлат хонадон соҳибини — Теша бобо яқинда ўзининг 79-баҳори ҳамда Муҳайё ая билан турмуш қурганининг 60 йиллигини нишонлади.

— Тўкин ҳаёт ва фаровон турмушга етказганига шукр, — дейди беш ўғил, бир қизини оқ юзиб оқ тараган, 23 неварга ҳамда 16 нафар эваранинг сеvimли бобожониси дуога қўл очиб. — Фарзандлар йиғилганида уйимиз тўйхонага айланади...

Мансур АСЛОНОВ.



## Хорижий тиллар билимдонлари

Гулистон шаҳридаги 1-Болалар мусика ва санъат мактабида «Вилоятнинг энг фаол хорижий тил ўқитувчиси» ҳамда «Хорижий тиллар билимдонлари» кўрик-танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Мазкур танлов 2008 йилдан буён ўтказиб келинмоқда, — деди вилоят халқ таълими бошқармаси методика маркази раҳбари Шоҳида Мамирова. — Бугунги кунгача 310 нафар билимдон ўқувчи вилоят ҳокимининг грант нафагалари билан тақдирланди. Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятда бу борада қатор ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Масалан, ўтган йили Сайхунбод туманидаги 41-умумий таълим мактаби инглиз тилига ихтисослаштирилди, Бобўт туманидаги 69-мактаб-интернат 2-сонли хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатга айлантирилди.

Ўқувчиларнинг чет тилларни мукаммал ўзлаштиришлари учун биргина 2014 йилнинг ўзида таълим муассасаларига 47 та компьютер техникаси, 549 дона DVD плеер, 80 та ноутбук ва маркерли доска, 549 та расмлар тўплами етказиб берилди.

Дилора ЭСОНОВА.

## Йигирма беш соат вақт кетарди

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган бошхона комплексига ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва бошхона расмийлаштируви мутахассисларининг семинари бўлиб ўтди. Унда бошхона статистикаси, валюта назорати ва товарлар экспертизасига оид янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, товарларни электрон шаклда расмийлаштириш ва кўрсатилмаётган интерактив хизматлардан янада самарали фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди.

Тадбиркорлик субъектларига товарларни бошхонада электрон шаклда расмийлаштириш ҳуқуқи берилгани бизнес вакилларининг бошхона-юк декларациялари ва уларга тегишли юк-кузатув ҳужжатларини масофада туриб тақдим этиш, юкларни бошхона омборида сақлаш ҳаражатларини камайтиришда қатор қулайликлар яратилгани алоҳида эътироф этилди. Масалан, авваллари бошхона-юк декларациясини қўғоз шаклда расмийлаштириш учун камида 25 соат вақт сарфланарди.

Семинарда, шунингдек, «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ, рухсат берувчи тартиботларни қисқарттириш ва арзонлаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилган ўзгаришлар хусусида ҳам сўз юритилди.

Ф.НУРАЛИЕВ.

## Хуфия омборлар фош қилинди

Саноатда муҳим аҳамият касб этувчи қора ва рангли металлга эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб келган. Зеро, темир парчалари ва чиқиндилари ўз қийматини йўқотмайди. Шу сабабли, бошхона органлари ишлаб чиқариш-техника бўумлари парчалари ва рангли металл чиқиндиларининг республикамиз ҳудудидан ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар бошхона бошқармаси ходимлари четга олиб чиқиш учун «гамлаб» қўйилган рангли металл «омборларини» фош қилишди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликдаги текширувлар чоғида пойтахтимизнинг Учтепа туманида истиқомат қилувчи Х.Саидов (исм-шарифлар ўзгартirilган) ҳамда С.Солиевга тегишли гаражлар кўриқдан ўтказилганда умумий оғирлиғи салкам 4 тонна мис, никель, кўрғошин ҳамда алюминий чиқиндилари ноқонуний сақланаётгани аниқланди.

Тезкор тадбирлар давомида, шунингдек, Сергели туманида истиқомат қилувчи З.Мусоев ҳамда Яккасарой туманида яшовчи Н.Сафаровнинг хонадонларида ҳам 10 тоннадан ортиқ кўрғошин парчалари топилди.

Мазкур ҳолатлар бўйича маъмурий иш ҳужжатлари судларга юборилди.

## Дискфурушлар қўлга олинди

Турли фильмлар ва концертлар дискларини ноқонуний равишда кўпайтириб сотаётган «қароқчи»лар муаллифликка оид ҳуқуқларни кўпол равишда бузиш билан бир қаторда маънавиятимизга зид фильмларни тарқатиш орқали ёшларимиз онгини заҳарлашга уринаётгани аниқланди.

Бошхоначилар томонидан бу турдаги қонун бузилишларига қарши қаратилган чора-тадбирлар мунтазам давом эттирилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар бошхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Чилонзор туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро Н.Муслимовнинг қилишларига чек қўйилди.

Ушбу фуқаро белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида қиймати 14,5 млн. сўмлик 3 минг дона DVD диск билан лицензиясиз савдо фаолиятини амалга ошираётганда қўлга олинди.

Н.Муслимов мазкур фаолият тури билан муқаддам ҳам тегишли рухсатномасиз шугуллангани учун бир неча бор маъмурий жавобгарликка тортилган. Энди унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилди.

Шунингдек, «Келес» темир йўл чегара бошхона пости ходимлари «Олма-ота — Нукус» йўналиши бўйича қатновчи поезд йўловчиларини назоратдан ўтказиш чоғида қўшни давлат фуқароси Д.Жумановнинг 70 дона дискини яширинча олиб кираётганини аниқлашди.

Мазкур ҳолат бўйича бошхона текшируви ва суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар Бошхона бошқармаси ахборот хизмати.

0 zLDeP Фарғона вилоят кенгаши партиянинг Сўх туман кенгаши раиси  
Хабибулло Ёрматовга уқаси  
**ҲИҚМАТИЛЛО**нинг  
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

## РЕКЛАМА

## ЗАЗ FORZA

Автомобили для жизни!



### Автосалон в Ташкенте

Тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



ЗАЗ


[www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

Товар сертифицирован.


# ROYAL STEEL

### Металлочерепица и профнастил

### ВСЕ ДЛЯ ВАШЕЙ КРЫШИ



### Аксессуары



Для производства профнастила и металлочерепицы используется только качественное сырьё известных фирм **Южной Кореи** и **России**. Нашим Клиентам мы предлагаем гибкую систему скидок и высокую скорость обслуживания. Для постоянных клиентов созданы специальные условия.

### Производство в Ташкенте

Тел.: (+99871) 272-17-02, (+99897) 703-72-72

Адрес: Учтепа-26, ул. Максуда Шейхзады, дом 1 (ориентир — завод «АКФА»)



[www.royalsteel.uz](http://www.royalsteel.uz)

Товар сертифицирован.

## ЭЪЛОН



### ҲУРМАТЛИЙ КЮРТДОШЛАР!

## «Асака» банк

### қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

| МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:                                                                                                                                           | ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:                                                                                                                                                              |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p><b>«ҚАДРИЯТ»</b></p> <p>Омонатга ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>                                          | <p><b>«ШОДИЁНА»</b><br/>(АҚШ доллариди)</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой.<br/>Ҳисобланган фойзлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p> |
| <p><b>«БАҲОР»</b></p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>            | <p><b>«МАДАД»</b><br/>(АҚШ доллариди)</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой.<br/>Ҳисобланган фойзлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>                            |
| <p><b>«ФАРОВОН ТУРМУШ»</b></p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.</p> | <p><b>«СТАБИЛЬНЫЙ-1»</b><br/>(ЕВРОла)</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой.<br/>Ҳисобланган фойзлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>                           |
| <p><b>«ТЕЖАМКОР»</b></p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.</p>        |                                                                                                                                                                                |

Шу билан бирга, «Асака» банк қулай шартларда миллий ва хорижий валюталардаги 60дан зиёд омонат турини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар              | Код | Телефон   | Филиаллар                 | Код | Телефон   |
|------------------------|-----|-----------|---------------------------|-----|-----------|
| Тошкент шаҳар филиали  | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали   | 369 | 225-44-03 |
| Автотранспорт филиали  | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали     | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали    | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали          | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали       | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали     | 365 | 770-05-19 |
| Сергели филиали        | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали      | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали  | 366 | 233-65-47 |
| Анджон вилоят филиали  | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали          | 366 | 221-75-40 |
| Асака филиали          | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали  | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали         | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 224-00-16 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали   | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали       | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали     | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали       | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали    | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали          | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали     | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

### Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

## «Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди

[www.asakabank.com](http://www.asakabank.com)

Хизматлар лицензияланган.



ЎТТИМОЙ-СИОСИЙ ГАЗЕТА



МУАССИС: ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ОЗБЕКИСТОН LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАҲАБОВ.

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент. Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80. Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45. Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79. Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** XXI\_AS@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 2957 Тираж: 14430

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририятда терилди ҳамда дизайнер Марк Юсупов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2381-497X



Набатчилар: Т.АБДУРАҲМОНОВ, Ш.РАҲИМОВ.